

# Навбатдаги Очиқ мулоқот ўтказилди:

Навбатдаги Очиқ мулоқот ўтказилди:



Музработ туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги Қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари мажмуаси бош мутахассиси Жасур Жумаев иштирокида **“Музработ туманида табиий газ, электр энергияси ва ичимлик сувини исроф қилмасдан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар”** мавзусида **Очиқ мулоқот** ташкил этилди.

Ўтказилган очиқ мулоқотда тегишли масъул корхона раҳбарлари, журналистлар, ижтимоий тармоқ фаоллари иштирок этишди.



### **Табиий газни иқтисод қилиш**

Тасдиқланган режага мувофиқ, Музработ тумани бўйича 2024 йилда 2151.8 минг м<sup>3</sup> табиий газ иқтисод қилиниши белгиланган. 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида (январь-август) туманбўйича белгиланган режа 754.0 минг м<sup>3</sup> бўлиб, амалда 1038.6 минг м<sup>3</sup> табиий газ иқтисод қилинди. Бу январь-август ойлари учун белгиланган режанинг 138% га бажарилганлигини билдиради.



Ёқилғи\*-энергетика ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёж ўсиб боришини инобатга олган ҳолда, ички имкониятлар доирасида истеъмол маданиятини янада ошириш, табиий газдан мақсадли ва оқилона фойдаланиш бўйича туманимиз аҳолиси ўртасида кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан тумандаги “Шаффоф” маҳалласининг Гулистон, Ёшлик, Баҳор, Камолот, кўчаларида “Янги ҳаёт” маҳалласининг Истиқлол,

Гулпари, Чорвадор, кўчаларида яшовчи аҳоли истеъмолчилари хонадонларига кириб, ҳар бир истеъмолчига тежамкор газ асбоблари ва замонавий ёндиргичларнинг афзалликлари ва қулайлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада туманимиз аҳоли хонадонларига 2024 йил давомида 288 дона замонавий энергиятежамкор ёндиргичлар ўрнатилиб, белгиланган йиллик режа 100% га бажарилди.

Маҳаллабай ишлаш тизими янада кучайтирилиб, қўшимча 1 нафар ходим бириктирилди ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидаги 43 дан ортиқ маънан эскирган газ жиҳозлари хавфсиз, самарадорлиги юқори ва энерготежамкор жиҳозларга алмаштирилди. Натижада, йиллик 130.7 минг куб метр табиий газни иқтисод қилишга эришилди.

Бундан ташқари 2024-2025 йиллар куз-қиш мақсумига тайёргарлик кўриш мақсадида тумандаги “Янги ҳаёт” маҳалласи Аҳиллик кўрасидаги 80 та хонадон 3 босқичли тизимдан 2 босқичли тизимга ўтказилди. Ушбу хонадонларга газ етказиб бериш 1 дона газ тақсимлаш қурилмаси демонтаж қилинди. Шунинг натижасида йиллик 5.1 минг м<sup>3</sup> табиий газ иқтисод қилинди.

## **Электр энергиясини иқтисод қилиш**

Тасдиқланган режага мувофиқ, Музработ туман электр таъминоти буйича 2024 йилда 15 446 кВт электр энергиясини иқтисод қилиниши белгиланган булиб, утган ойлар давомида 6 875 кВт электр энергиясини иқтисод қилинди. Бу эса Январ-Август ойлари учун белгиланган режанинг 45 % га бажарилганини билдиради.

Ёкилги энергетика ресурсларига булган талаб ва эҳтиёж ушиб боришини инобатга олган ҳолда, ички имкониятлар доирасида истеъмол маданиятини янада ошириш, электр энергиясидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш буйича туманимиз аҳоли ва юридик истемолчилар уртасида кенг камровли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан:

### **1. Куёш панели ўрнатилиши буйича:**

65 та Тадбиркорлик субъектлари 1 463 кВт режаа электр энергияси иқтисод қилиниши белгиланган булиб, амалда 49 та Тадбиркорлик субъектлари 503 кВт электр энергияси иқтисод қилинмоқда. Ижтимоий соҳа ва давлат идораларида режа

2. Реактив қувватни компенсация қурилмаларини ўрнатиш ҳисобига режа буйича 90 та 136 кВт, амалда 58 та 87 кВт электр энергияси иктисод килинмокда
3. Электр қурилмаларини модернизация қилиш ва таъмирлаш ҳисобига режа буйича 2 та 19 кВт, амалда 1 та 3 кВт электр энергияси иктисод килинмокда
4. Трансформатор пунктлари жорий ва мукамал таъмирлаш ҳисобига режа буйича 142 та 90 кВт, амалда 142 та 90 кВт электр энергияси иктисод килинмокда
5. Электр тармоқлар жорий ва мукамал таъмирлаш ҳисобига режа буйича 391 та 1348 кВт, амалда 391 та 1348 кВт электр энергияси иктисод килинмокда
6. Фермер хўжалигиликларидаги насос агрегатларини замонавий энергия тежамкор агрегатга алмаштириш ҳисобига режа буйича 12 та 562 кВт, амалда 12 та 400 кВт электр энергияси иктисод килинмокда.
7. Ташкилий ва техник тадбирларни бажарилиши ҳисобига (Электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганларни тармоқдан ажратиш, Қарздор истеъмолчини тармоқдан ажратиш ва хокозалар) режа буйича 284 та 8 846.2 кВт, амалда 284 та 3597 кВт электр энергияси иктисод килинмокда эришилмокда